

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРДИМЕТОВ ШАХОБИДДИН МУХИТДИНОВИЧ**

**МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ ТУПРОҚЛАРИ ВА УЛАР УНУМДОРЛИГИНИ  
ДУККАКЛИ-ДОН ВА ЕМ-ХАШАК ЭКИНЛАРИ ЭКИШ ОРҚАЛИ  
ОШИРИШ**

**06.01.03-«Агротупроқшунослик ва агрофизика»**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)  
по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)  
on biological science**

<b>Турдиметов Шахобиддин Мухитдинович</b> Мирзачўл воҳаси тупроқлари ва улар унумдорлигини дуккакли-дон ва ем-хашак экинлари экиш орқали ошириш.....	3
<b>Турдиметов Шахобиддин Мухитдинович</b> Почвы Мирзачульского оазиса и повышения их плодородия с посевом зернобобовых и кормовых культур .....	29
<b>Turdimetov Shakhobiddin Mukhitdinovich</b> Soils of the Mirzachul oasis and increasing their fertility with sowing leguminous and forage crops.....	56
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	60

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРДИМЕТОВ ШАХОБИДДИН МУХИТДИНОВИЧ**

**МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ ТУПРОҚЛАРИ ВА УЛАР УНУМДОРЛИГИНИ  
ДУККАКЛИ-ДОН ВА ЕМ-ХАШАК ЭКИНЛАРИ ЭКИШ ОРҚАЛИ  
ОШИРИШ**

**06.01.03-«Агротупроқшунослик ва агрофизика»**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/B105 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифада <http://soil.uz/> манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим портали [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

- Илмий маслаҳатчи:** **Уразбаев Исматулла Умматович**  
биология фанлари доктори, профессор
- Расмий оппонентлар:** **Юлдашев Гулам**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
Фарғона давлат университети
- Тошқўзиев Маъруф Мансурович**  
биология фанлари доктори, профессор  
Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти
- Халикулов Шоди Турдикулович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети
- Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ҳузуридаги DSc.25/30.12.2019.Қх/В.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ТАТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ТАТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.М.Бобомуродов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

**Ж.М.Қўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим

**Н.Ю.Абдурахмонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
катта илмий ходим

## **КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда «дунёда деҳқончиликнинг 13-14 фоизи дуккакли-дон экинлари экиладиган майдонларга тўғри келади. Дуккакли-дон экинларини етиштириш кейинги 50 йилликда 1,5 баробарга ортиб, 71 млн тоннага етди. Шундан 23,4 млн тоннаси ловия, 12,2 млн тоннаси нўхат, 0,9 млн тоннаси вика экинлари улушига тўғри келади. Дуккакли-дон экинлари аҳолига асосий оқсил манбаи бўлиб хизмат қилиш билан бирга, тупроқни азотга бойитади, агрофизик хоссаларини яхшилайти<sup>1</sup>. Шу сабабли дунёнинг барча минтақаларида турли сидерат, такрорий ва оралик экинлари экиш орқали тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда тупроқлар, айниқса суғориладиган тупроқлар унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва оширишда дуккакли-дон ва ем-хашак экинларини экиш орқали тупроқларнинг агрофизикавий, агрокимёвий, физик-кимёвий ва кимёвий хоссаларини яхшилашга қаратилган устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бу борада, экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун алмашлаб экиш, анғиз қолдиқлари, органик ва органо-минерал ҳамда сидерат экинларини тизимли равишда йўлга қўйиш орқали тупроқлар унумдорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз суғориладиган тупроқларининг ҳозирги ҳолатини аниқлаш, агрокимёвий ва агрофизикавий ҳолатини яхшилаш, дуккакли-дон ва ем-хашак экинларини етиштириш орқали тупроқлар унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да «...маҳсулот таннархини 30-35 фоизга қисқартириш, пахтадан ўртача 37 центнер ва ғалладан 70 центнер ҳосил олишга эришиш<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам суғориладиган тупроқларнинг ҳозирги хосса-хусусиятларини аниқлаш, даврий ўзгариши бўйича қиёсий таққослаш, тупроқларнинг агрокимёвий ва агрофизикавий хоссаларига дуккакли-дон ва ем-хашак экинларининг таъсири асосида тупроқларда кечаётган деградация жараёнларини олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар

<sup>1</sup>[https://vuzlit.ru/1706438/znachenie\\_zernobobovyh\\_kultur\\_ploschadi\\_poseva\\_urozhaynost](https://vuzlit.ru/1706438/znachenie_zernobobovyh_kultur_ploschadi_poseva_urozhaynost)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳақида»ги Фармони.

тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Тупроқлар хосса-хусусиятларининг даврий ўзгаришига дуккакли-дон ва ем-хашак экинлари таъсирини аниқлаш, уларнинг унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ер майдонларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Université Paris-Saclay (Франция), Institute of Agricultural Resources and Environment (Хитой), Jiangsu Academy of Agricultural Sciences (Хитой), Soil Erosion and Degradation Research Group (Австралия), Department of Geography, Valencia University (Испания), Czech Academy of Agricultural Science (Чехия), Agricultural and Biological Research Division, National Research Centre (Миср), Department of Crop Science, College of Agricultural Sciences, São Paulo State University (Бразилия), Department of Natural Sciences and Life and Department of Biology (Жазоир), Auburn University (АҚШ), Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти (Россия), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Турли ўсимликларни экиш орқали тупроқлар унумдорлигини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: жумладан, дуккакли-дон экинларининг илдизларидан чиқадиган ажратмалар тупроқлар таркибидаги қийин эрийдиган озиқа элементларни ҳаракатчан шаклга 7-10 фоизга кўп ўтказиши илмий асослаган (Ahmadu Bello University, Нигерия), Texas A&M University, АҚШ); ем-хашак ва дуккакли-дон экинларининг илдиз-анғиз қолдиқлари ҳисобига тупроқларнинг барча хосса-хусусиятларига ижобий таъсир қилиши ва ундан сўнг экиладиган экинларнинг ҳосилдорлиги 10-15 фоизга ортиши исботланган (Areka Agricultural Research Center, Эфиопия), Punjab Agricultural University, Ҳиндистон), Swift Current Research and Development Centre, Agriculture and Agri-Food Canada, Канада); кўп йиллик дуккакли ўтлар ва судан ўтидан фитомелиорант ўсимлик сифатида фойдаланиш, тупроқларнинг экологик ва агрегатлик ҳолатларига ҳамда структурасига ижобий таъсир қилиши натижасида тупроқларда органик моддалар тўпланишига имкон бериши аниқланган (Chernivtsi National University, Украина); дуккакли ва дон

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи doi:10.17221/81/2015-SWR; <https://www.semanticscholar.org>; <https://www.researchgate.net>; <https://www.springer.com>; <https://www.mdpi.com> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

экинларини ҳамкор экин сифатида етиштириш, бегона ўтлар, касалликлар ва зараркунандалар сонини 17-20 фоизга камайтириб, экинлар ҳосилдорлигига сезиларли таъсири аниқланган (The Nelson Mandela African Institution of Science and Technology, Танзания), Institute of Agriculture and Animal Science, Tribhuvan University, Nepal), Khon Kaen University, Таиланд); алмашлаб экиш тизимида дуккакли-дон экинларини экиш тупроқлар дондорлигига ва зичлигига ижобий таъсир қилиб, унинг ҳажм оғирлигини 1,35 г/см<sup>3</sup> дан 1,06 г/см<sup>3</sup> гача камайтириши исботланган (Debre Berhan University, Эфиопия).

Жаҳонда дуккакли-дон ва ем-хашак ҳамда сидерат, оралиқ ва такрорий экинларни экиш орқали тупроқлар унумдорлигини ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, сидерат, оралиқ ва такрорий экинларнинг тупроқ агрофизикавий хоссаларига таъсири аниқлаш, ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш; тупроқларни органик моддаларга бойитиш, фитосанитарлик ҳолати ва биологик фаоллигини яхшилаш; тупроқни ҳаракатчан озика элементларига бойитиш; дуккакли-дон ва сидерат экинларни экиш ҳисобига тупроқларнинг барча хосса-хусусиятларига ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигига ижобий таъсир қилишига қаратилган илмий ечимлар ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тупроқ хосса-хусусиятларининг ўзгариши, янги таксономик бирликларнинг шаклланиши бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари хорижий олимлар D.Dubr, G.Schroth, A.Musso, Б.Ф.Апарин, Е.И.Панкова, М.Т.Куприченков, Л.М.Докучаева ҳамда республикамиз олимларидан А.З.Генусов, Н.В.Кимберг, Б.В.Горбунов, М.А.Панков, М.У.Умаров, С.П.Сучков, Н.И.Зиминова, С.Ф.Лазерев, О.К.Комилов, Р.Қ.Қўзиёв, М.М.Тошқўзиёв, Н.Ю.Абдурахмонов, Ш.М.Бобомуродов, Р.Қурвонтоев, Л.А.Ғофурова, Ш.Т.Холиқулов, И.У.Уразбаев каби олимлар томонидан олиб борилган. Турли оралиқ, такрорий ва сидерат экинлар экиш орқали тупроқларнинг хоссаларини яхшилаш юзасидан А.Jnawali, R.C.Pinho, V.K.Singh, Ю.П.Мякушко, А.В.Дедов, А.А.Мушинский сингари хорижий ҳамда Қ.Мирзажонов, А.М.Кашкаров, Р.Орипов, Б.М.Холиқов, А.А.Иминов, Ф.Б.Намозов, И.Эрназаров каби ўзбек олимлари томонидан илмий тадқиқотлар бажарилган. Лекин, Мирзачўл воҳаси тупроқларидаги ўзгаришларни узок йиллар давомида тизимли солиштириш, дуккакли-дон ва ем-хашак экинларининг тупроқ агрофизикавий, агрохимёвий хоссаларига таъсири, ушбу экинларни экиш натижасида ғўза ва кузги буғдой ҳосилдорлигининг ўзгаришига оид тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режаларининг А-8-161 «Хориждан келтирилган нўхат навларидан Мирзачўл шароитига мослашган навларни танлаш ва етиштириш технологиясини яратиш» (2006-2008 йй.), ИТД-7-19 «Чўлланиш жараёнида Мирзачўл воҳаси шўрланган тупроқлари фитомелиорациясининг тадқиқи»

(2012-2014 йй.), ИОТ 2014-5-3 «Шўрланган тупроқ унумдорлигини ва чорва озиқа сифатини оширувчи боқла (вика)нинг «Мирзачўл» нави бирламчи уруғчилигини жорий этиш» (2014-2015 йй.) ҳамда С-А-2018-006 «Ўсимлик ресурслари ёрдамида тупроқ унумдорлигини ошириш ва чорва моллари учун ем-хашак етиштириш технологиясини такомиллаштириш (Сирдарё вилояти шароитида)» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Мирзачўл воҳаси тупроқларининг хосса-хусусиятларида суғориш натижасида юз берган ўзгаришларни аниқлаш, тупроқ унумдорлигини оширишда дуккакли-дон ва ем-хашак экинларининг таъсир механизмларини илмий асослаш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Мирзачўл воҳаси тупроқларининг тип ва типчаларининг морфологик белгилари ва агрофизикавий, агрокимёвий ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш натижасида уларнинг алоҳида хусусиятларини очиқ бериш;

тупроқ кесмаларини такрорий кўйиш натижасида тупроқда юз берган 20, 50 ва 80 йиллар мобайнида суғоришлар натижасида тупроқнинг кимёвий, физик хоссаларида юз берган ўзгаришларини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш;

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида дуккакли-дон ва ем-хашак экинларини етиштириш технологиясини такомиллаштириш;

тупроқ агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларига дуккакли-дон ва ем-хашак экинларининг таъсирини аниқлаш;

дуккакли-дон ва ем-хашак экинларининг таъсир механизмларини илмий асослаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

дуккакли-дон ва ем-хашак экинларидан сўнг ғўза ва кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

дуккакли-дон ва ем-хашак экинлари таъсирида тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Мирзачўлнинг эскидан ўзлаштирилган қисмидаги Сирдарё, Сайхунобод, Гулистон ва Боёвут туманидаги суғориладиган бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз ва ўтлоқи тупроқлари, янгидан ўзлаштирилган қисмидаги Мирзаобод, Сардоба, Оқолтин, Ховос ва Зафаробод туманларининг суғориладиган бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз тупроқлари ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларидан нўхат, эспарцет, вика, беда ва судан ўти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Мирзачўл воҳаси тупроқларининг морфологик белгилари, механик таркиби, умумий физик хоссалар, физик-кимёвий, агрокимёвий хоссалари ва уларнинг ўзгариши, дуккакли-дон ва ем-хашак экинлари таъсирида тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий хоссаларининг яхшиланиши, бонитет балли ҳамда ғўза, кузги буғдой ҳосилдорлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни бажаришда кимёвий, физик-кимёвий, агрокимёвий ва агрофизикавий, кимёвий-аналитик, Качинский,

Тюрин, Кьельдаль, Мачигин, Симмит, Пфедфер (Крюгер модификацияси) ҳамда математик-статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тупроқлар морфологик белгиларининг дастлабки ўзлаштирилган даврга нисбатан ўзгарганлиги ва бунда гумус, гипс ва карбонатларнинг қуйи қатламлар томон ювилганлиги асосланган;

худуд суғориладиган тупроқлари хосса-хусусиятларини давр ва макондаги ҳолатини қиёсий таққослаш асосида автоморф тупроқлардан ярим гидроморф тупроқларга трансформацияланганлиги аниқланган;

макон ва замонда (даврийлик: 20-50-80 йил оралиғи) тупроқларнинг физик ва сув-физик хоссаларидаги ўзгариш (механик таркибининг оғирлашиши, зичлиги, максимал гигроскопиклиги ва нам сифимининг ортиб бориши) механизми очиб берилган;

дуккакли-дон ва ем-хашак экинлари тупроқларнинг унумдорлигига ижобий таъсир қилиб, ушбу экинлардан сўнг етиштирилган ғўза (викадан сўнг 0,8 ц/га, нўхатдан сўнг 2,8 ц/га) ва кузги буғдой ҳосили (судан ўтидан сўнг 3,28 ц/га ва викадан сўнг 7,16 ц/га) ортганлиги аниқланган;

Мирзачўл шароитида дуккакли-дон экинларидан нўхат ва вика экини тупроқларнинг агрохимёвий (азот ва фосфор) кўрсаткичига, ем-хашак экинларидан беда умумфизик (зичлиги ва ғоваклиги) хоссаларига, эспарцет экини эса мелиоратив ҳолатига (хлор иони 2 баробарга камайган) ижобий таъсири асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Мирзачўл воҳаси тупроқлар ҳолати ва улар унумдорлигини дуккакли-дон, ем-хашак экинлари етиштириш орқали ошириш усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

нўхат экинини экиш тупроқларнинг агрохимёвий кўрсаткичларига ижобий таъсир қилган, жумладан, тупроқлар таркибидаги нитрат шаклидаги азот миқдори 25,4 фоизга, ҳаракатчан фосфор 35,4 фоизга, алмашинувчи калий эса 3,4 фоизга ошган ва ғўзадан 2,8 ц/га, кузги буғдойдан 6,1 ц/га га кўшимча ҳосил олинishi аниқланган;

эспарцет экини экиш тупроқлардаги тузларни камайтирган ва ўсимликларнинг стресс ҳолатини пасайтирган, вика экини илдизидан чиқадиган ажратмалар тупроқлардаги қийин эрийдиган фосфатларни эрувчанлигини (хайдов қатламида 32 фоизга, хайдов ости қатламида 35 фоизга) оширгани асосланган;

ем-хашак ва дуккакли дон экинларининг илдиз-анғиз қолдиқлари тупроқларни органик моддага бойитган, донадорлигига ва зичлигига ижобий таъсир қилгани исботланган;

эспарцет, беда, судан ўти, нўхат ва вика каби экинларни экиш тупроқларнинг ҳажм массасини 0,06-0,08 г/см<sup>3</sup> гача камайтирган, ғўза ҳосилдорлиги 0,8-3,0 ц/га, кузги буғдой ҳосилдорлиги 3,28-6,90 ц/га гача ортиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, дала ва лаборатория усулларидан фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан

ўтказилганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган маълумотларнинг бири-бирига мослиги, экинлар ҳосилдорлиги билан тупроқ хоссалари орасида корреляцион боғлиқлик аниқланганлиги, тажрибада олинган натижаларнинг миллий ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланиб баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги олинган илмий-тадқиқот натижаларининг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Мирзачўлнинг эскидан ва янгидан суғориладиган тупроқларини ўзлаштириш, суғориш натижасида унинг морфологик белгилари, агрофизик, агрокимёвий, физик-кимёвий ва мелиоратив хоссаларини узоқ йиллар давомида кузатиш асосида рўй берадиган ўзгаришларини илмий башорат қилиш имконияти яратилганлиги, тупроқ унумдорлигини оширишда дуккакли-дон ва ем-хашак экинларининг таъсир механизмларининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, нўхатнинг шўрга чидамли «Малхотра» ва «Ҳалима» навларини етиштириш асосида тупроқ хоссаларини яхшилаш агротехнологияси, эспарцет экинини экиш орқали суғориладиган тупроқларнинг шўрланиш даражасини камайтириш агротадбири, ем-хашак экинларини етиштириш орқали тупроқларнинг агрофизик хоссаларини яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилганлиги, ушбу экинлардан сўнг ғўза ва кузги буғдой ҳосилдорлигининг ортишига доир тадбирларни белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мирзачўл воҳаси тупроқлари ва улар унумдорлигини дуккакли-дон ва ем-хашак экинлари экиш орқали ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Мирзачўл воҳаси тупроқлари ҳолати ва улар унумдорлигини дуккакли-дон, ем-хашак экинлар етиштириш орқали ошириш усуллари бўйича тавсиялар» Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27 сентябрдаги 02/022-3912-сон маълумотномаси). Натижада, вилоятдаги мавжуд деҳқон ва фермер хўжаликлари суғориладиган тупроқлари унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш учун мажмуавий агротехник, агрокимёвий, агромелиоратив тадбирларни амалга оширишда қўлланма сифатида хизмат қилган;

нўхатнинг шўрга чидамли «Малхотра» ва «Ҳалима» навларини етиштириш асосида тупроқ хоссаларини яхшилаш агротехнологияси Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги «Кувонбой чорваси» ва «Мурод» фермер хўжаликларининг 5 гектар ер майдонида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27 сентябрдаги 02/022-3912-сон маълумотномаси). Натижада, тупроқларнинг агрокимёвий кўрсаткичларига ва экинлар ҳосилига ижобий таъсир қилган, жумладан, тупроқлар таркибидаги нитрат шаклидаги азот миқдори 15,7 мг/кг

дан 19,7 мг/кг (25,4%), ҳаракатчан фосфор 16,6 мг/кг дан 22,5 мг/кг (35,4%), алмашинувчи калий эса 293 мг/кг дан 303 мг/кг (3,4%) гача ортган, шунингдек, нўхатдан сўнг экилган ғўзадан 2,8 ц/га, кузги буғдойдан 6,1 ц/га қўшимча ҳосил олишга ҳамда рентабеллиги эса 22,1 фоизга ортишига эришилган;

эспарцет экинини экиш орқали суғориладиган тупроқларнинг шўрланиш даражасини камайтириш агротадбири Сирдарё вилояти Сирдарё тумани «Улуғбек Достон» ва «Малик бобо» фермер хўжалиklarининг 18 гектар ер майдонида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27 сентябрдаги 02/022-3912-сон маълумотномаси). Натижада, эспарцет экинидан сўнг тупроқларнинг 0-30 см қатламида куруқ қолдиқ миқдори 0,669 фоиздан 0,605 фоизгача, хлор миқдори 0,079 фоиздан 0,031 фоизгача камайиши ҳисобига ғўзадан 3,1 ц/га, кузги буғдойдан 5,8 ц/га қўшимча ҳосил олиш имконини берган;

ем-хашак экинларини етиштириш орқали суғориладиган тупроқларнинг агрофизик хоссаларини яхшилаш тадбири Сирдарё туманидаги «Амир Темур» (20 га) ва «Малик бобо» (23 га), Ховос туманидаги «Нурбек Тиллабеков» (5 га) ва «Маъруф Аманбоевич» (7 га) ҳамда Гулистон туманидаги «Бешбулоқлик Зикиё тухфаси» (13 га) ва «Ёшлик» (17 га) фермер хўжалиklarининг жами 85 гектар ер майдонида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27 сентябрдаги 02/022-3912-сон маълумотномаси). Натижада, тупроқлар органик моддага бойиган, донадорлиги ошган, тупроқлар 0-30 ва 30-50 см ли қатламларининг ҳажм массаси мос равишда ўртача 0,06 ва 0,05 г/см<sup>3</sup>га камайган, ғовакликлиги эса аксинча мос равишда 1,1% ва 3,0 фоизга ошиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари ҳар йили ГулДУ Кенгашида кўриб чиқилган ва ижобий баҳоланган. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро (Москва, Солёное Займище, Austin шаҳарларида) ва 21 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, шундан, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 191 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Тупроқнинг хосса-хусусиятлари ва унумдорлигини дуккакли-дон, ем-хашак экинларининг тупроқ унумдорлигидаги аҳамиятини ўрганилиш ҳолати (адабиётлар шарҳи)»** деб номланиб, икки банддан иборат. Биринчи банд *«Мирзачўл воҳаси тупроқлари, уларнинг унумдорлигини ўрганилиш ҳолати»* деб номланган бўлиб, ўзлаштириш ва суғориш натижасида тупроқнинг физикавий, агрокимёвий, физик-кимёвий ва биологик хоссаларида ўзгаришлар юз бериши бўйича хорижда, МДҲ мамлакатларида ҳамда республикамизда олиб борилган илмий ишлар таҳлил қилинган. Мирзачўл воҳаси тупроқларининг ўрганилиш ҳолати, унумдорлигини ошириш юзасидан олиб борилган тадқиқот ишларнинг шарҳи ёритилган.

Бобнинг иккинчи банди *«Дуккакли-дон, ем-хашак экинларнинг тупроқ унумдорлигига таъсири»* деб номланган. Бу бандда турли такрорий, сидерат ва оралиқ экинлар экиш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича ўтказилган тажрибаларнинг баёни келтирилган бўлиб, бунда хорижда, МДҲ давлатлари ҳамда республикамизда ўтказилган тадқиқот натижалари берилган.

Адабиётлар шарҳининг сўнггида тупроқда юз берадиган ўзгаришлар барча минтақаларда ҳам бир хил даражада амалга ошмаслиги, бу тупроқ – иқлим шароитларига, деҳқончилик тизимига бевосита боғлиқ бўлиб, суғориладиган шароитда жадал кечиши таъкидланган.

Тупроқ хоссаларини такрорий, оралиқ ва сидерат экинларини экиш орқали яхшилаш бўйича олинган маълумотларда бир хил натижа қайд этилмаган. Экинларни танлаш, агротехникаларини белгилаш ҳар бир минтақага табақалаштириб жойлаштириш тавсия этилган. Мирзачўл воҳаси тупроқларидаги ўзгаришларнинг узок йиллар давомида ўрганилиши, турли экинлар экиш орқали тупроқ унумдорлигини оширилиши юзасидан тадқиқот зарурлиги қайд этилган.

Диссертациянинг **«Мирзачўл воҳасининг табиий-иқлим шароитлари»** деб номланган иккинчи бобида Мирзачўл воҳасининг географик жойлашуви, иқлими, геологияси, геоморфологияси ва рельефи, гидрологияси ва гидрогеологияси, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси ва инсон омили ҳақида маълумотлар берилган.

Мирзачўл Сирдарёнинг чап соҳили бўйлаб, Туркистон тизмасининг шимолигача бўлган ҳудудда жойлашган. Мирзачўлнинг жанубий чегараси Туркистон ва Молғузар тизмаси тоғолди ҳисобланади, шарқий қисмидан Сирдарё дарёси, шимоли-ғарбдан эса Қизилқум қумликлари билан чегараланади.

Мирзачўлда ўртача ҳавонинг ҳарорати 12,2°C дан 14,5°C гача ўзгариб туради. Ўртача ҳавонинг ҳарорати Мирзачўлнинг шарқи ва шимолий

томонидан пастрок бўлиб, жанубга томон ҳарорат секинлик билан кўтарилиб боради ва +13,3-14,5°C гача етади.

Энг совуқ даврда (январь) ўртача ҳарорат минус 0,8 дан минус 4,4°C гача, энг иссиқ даврда (июль) 26,5°C дан 29,9°C гача.

Ёғингарчиликлар йил мавсумлари бўйича қуйидагича тақсимланган: йилнинг энг ёғингарчилик даври баҳор бўлиб, Мирзачўл бу вақтда барча ёғингарчиликларининг 40 фоизини қабул қилади; йиллик ёғингарчиликларга нисбатан қишда 25-34%, кузда 15-20% ёғингарчилик ёғади, энг куруқ давр (ёз) да 5-10% ёғингарчилик тўғри келади.

Тупроқ пайдо қилувчи жинслар асосан тўртламчи давр ётқизикларидан иборат. Улар Сирдарёнинг II-I қайир усти террасаларида қатламли ҳолда лой, кумоқлар ва кумлар шаклида ётқизилган. Юқори тўртламчи даврнинг ётқизиклари, энг кўп тарқалган ва катта ҳудудни эгаллаб олган, бу Мирзачўл ва тоғолди текисликларидир. Бу ҳудудларда тупроқ пайдо қилувчи она жинслар лёсс ва лёссимон кумоқлар бўлиб, турли қатламларга эга ҳамда тоғлардан узоқлашган сари текисликка томон уларнинг қалинлиги ортиб боради.

Мирзачўл геоморфологик жиҳатдан Сирдарё террасаларидан ташкил топган. Фарғона ҳавзасидан чиқишда Мирзачўл 16 м баландликгача кўтарилади. Бундай кўтарилиш ўнлаб километргача давом этади.

Мирзачўл воҳасининг асосий суғориш манбаи Сирдарё дарёсининг суви ҳисобланади. Сирдарё дарёсидан Тошкент воҳаси ва Мирзачўлнинг суғориладиган майдони 1 млн га майдонга яқинни ташкил этади.

Сирдарёнинг тўқай-қайир қисмларида ажриқ, қизил қиёқ, қизилмия, қамиш, ботқоқ ўсимликлари, бутасимонлардан ёввойи жийда, сувтол, туронғил, жинғил ва илдиз-мевали ўт-ўсимликларининг кўплаб турлари учрайди (Сирдарё, Жиззах вилоятлари тупроқлари, 2005 й.). Сирдарё вилоятининг асосий қисми текисликлар ва дарёнинг I-II террасалардан иборат бўлганлиги боис, Сирдарё водийсида ўтлоқи ўсимликлар, буталар кўпроқ тарқалган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объекти ва усуллари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган жойлар бўйича маълумотлар берилган. Тупроқ хосса-хусусиятлари ва уларнинг ўзгариши, дуккакли-дон ва ем-хашак экинлари экиш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида тайёргарлик, дала ва камерал-аналитик ишлар бажарилди. Ушбу ишларни бажаришда Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ва Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтлари томонидан умумқабул қилинган услублардан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Мирзачўл воҳаси суғориладиган тупроқларининг ҳозирги ҳолати**» номли тўртинчи бобнинг биринчи банди «*Тупроқ морфологик белгилари ва уларнинг ўзгариши*» деб номланган бўлиб, Мирзачўл воҳаси тупроқларининг ўзлаштириш ва суғоришлар натижасида морфологик белгиларининг ўзгариши тўғрисида маълумотлар берилган.

Бунда Мирзачўл воҳаси суғорила бошланган илк йилларида С.П.Сучков ва бошқалар (1961) томонидан қўйилган тупроқ кесмалари танлаб олинди. Ушбу танлаб олинган майдон Сирдарё тумани «Янги ҳаёт» массивига қўйилган. Ушбу ҳудудга 1950 ва 1990 йиллардан сўнг яна такроран кесмалар қўйилган.

С.П.Сучков томонидан 1937 ва 1959 йилларда қўйилган тупроқ кесмаларига Ш.Турдиметов томонидан 1993 ва 2017 йилларда яна такроран тупроқ кесмалари қўйилиб, тупроқда рўй берган ўзгаришлар қайд қилинди.

Қуйида тўрт муддатда (1937, 1959, 1993 ва 2017 йилларда) қўйилган тупроқ кесмалари ва уларнинг тавсифи келтирилади.

Жадвал маълумотларига эътибор қаратиладиган бўлса, ўзлаштириш ва суғоришлар давомийлигининг ортиб бориши билан ҳайдалма қатлам чуқурлигининг ҳам ўзгариши, яъни чуқурлигининг ортиб бориши кузатилади (1-жадвал). Лекин, шуни таъкидлаш лозимки, узоқ йиллар давомида бир хил чуқурликда ҳайдаш «плуг ости зич қатлами»нинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

1-жадвал

### Мирзачўл воҳаси тупроқларининг морфологик белгилари ва уларнинг ўзгариши

1937 йил (С.П.Сучков). Суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар			1959 йил (С.П.Сучков). Суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар		
Қатлам қалинлиги, см	Ранги	Қатламнинг морфологик ажралиб туриши	Қатлам қалинлиги, см	Ранги	Қатламнинг морфологик ажралиб туриши
Ҳайдалма 0-22	Оч бўзранг	-	Ҳайдалма 0-30	Кулранг	-
«В» (ўтувчи) 20-60	Бўзрангрок-малла ранг, пастга томон малла ранг	-	«В» (ўтувчи) 20-60	Оч бўз ранг, пастга томон малла-кулранг	-
Карбонатли 30-50	Малла ранг	Карбонатли. Малла-сарғиш рангли доғ, яхши ажралиб туради.	Карбонатли 30-53	Малла ранг	Сийрак малла-кул ранг доғлар, кучсиз ажралиб туради
Гипсли 60-200	Малла-қўнғирси-мон ранг	Алоҳида кристаллар тўплами кўринишида, яхши ажралиб туради	Гипсли 70-200	Малла ранг	Юмшоқ тўпламлар ва майда кристаллар шаклда
Глейли 180 см дан	Малла ранг	Мавжуд эмас	Глейлашган	Малла кулрангли	Кучсиз ажралиб туради, кўкиш-кулрангда 180 см дан
С (тупроқ пайдо қилувчи жинс) 60 см чуқурликдан	Малла ранг	Лёссимон малла рангли кумоқлар	«С» (тупроқ пайдо қилувчи жинс) 80 см чуқурликдан	Малла ранг	Лёссимон малла рангли кумоқлар

1993 йил (Ш.М.Турдиметов). Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар			2017 йил (Ш.М.Турдиметов). Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар		
Ҳайдалма 0-30	Бўзранг, нисбатан тўқроқ		Ҳайдалма 0-33	Бўзранг, нисбатан тўқроқ	-
«В» (ўтувчи)	Оч бўзранг, пастга томон малла ранг		«В» (ўтувчи)	Оч бўзранг, пастга томон малла ранг	-
Карбонатли 35-60	Малларанг	Карбонат доғлари унсимон кўринишига эга, кучсиз ажралиб туради	Карбонатли 35-60	Малларанг	Карбонат доғлари унсимон кўринишига эга, кучсиз ажралиб туради
Гипсли 90-200	Малларанг	Юмшоқ тўпламда ва жуда майда кристаллар	Гипсли 90-200	Малларанг	Майда гипс доғчалари
Глейли, кўкимтир рангли, 160 см дан	Кўкимтир рангли	Кучсиз ажралиб туради, кўкимтир кулранг-да 170 см дан	Глейли, кўкимтир рангли, 160 см дан	Кўкимтир рангли	Глейли, кўкимтир рангли, 160 см дан
«С» (тупроқ пайдо қилувчи жинслар) 90 см дан	Малларанг	Лёссимон қумоқлар	«С» (тупроқ пайдо қилувчи жинслар) 90 см дан	Малларанг	Лёссимон қумоқлар

Тупроқ морфологик белгиларининг асосийларидан бири-унинг рангидир. Тупроқ рангидаги ўзгаришлар ундаги гумус миқдоридagi ўзгаришлар билан бевосита боғлиқдир. 1937 йилда тупроқнинг ранги оч бўзранг бўлган бўлса, 1958 йилда бўз ранггача ўзгарган. 1993 йилдагига нисбатан ҳайдалма қатламнинг ранги нисбатан тўқроқ эканлиги кўзга ташланади.

«В» ўтувчи қатламнинг ранги бўзроқ – рангдан, малла ранггача ўзгариб туради. Тупроқ морфологик белгиларининг ажралиб туришида рангдаги ўзгаришлар айниқса, карбонатли қатламда яққолроқ сезилади. 1937 йилда карбонатлар малла-сарғиш рангли бўлиб, кучсиз ажралиб турган. 1959 йилда эса мазкур қатлам сийрак малла-кулранг доғлар кўринишида бўлиб, кучсиз ажралиб туради. Кейинги (1993 ва 2017 йиллар) такрорий кесмаларда эса карбонат доғлари унсимон кўринишига эга ва кучсиз ажралиб турадиган ҳолатга эга. Бу ўзлаштириш ва суғоришлар натижасида карбонатларнинг ювилиши билан бевосита боғлиқ.

Гипсли қатламдаги ўзгаришлар йиллар давомида гипснинг майдаланиши билан бевосита боғлиқ. Суғорила бошланганлигига 30 йил бўлган 1937 йилда олинган тупроқ кесмасида гипс 60-200 см гача бўлган чуқурликда учраган.

Кейинги тадқиқотларда гипснинг учраш чуқурлиги чуқурлашиб борган ва 2017 йилги такрорий тупроқ кесмаларини олишда гипснинг учраш чуқурлиги 90 см гача пасайган. Гипс шакллари бўйича ҳам ўзгаришлар юз берган. Агар дастлабки кесмаларда улар алоҳида кристаллар тўпламидаги кўринишда, яхши ажралиб турадиган ҳолда бўлса, 2017 йилги натижаларда эса майда гипс доғчалари кўринишига келган. Гипс қийин эрувчан бирикма бўлса-да, суғоришлар давомийлигининг ортиши билан юқоридаги кўринишга эга бўлган.

Тўртинчи бобнинг иккинчи банди «Тупроқнинг физик хоссалари ва уларнинг ўзгариши» деб номланган бўлиб, асосий тупроқнинг агрофизикавий хоссаларининг ўзгариши ҳақида маълумотлар берилган.

Тупроқдаги ўзгаришларни ҳисобга олиш учун биз 1937-1938 ва 1956-1957 йилларда тупроқ кесмалари қўйилган майдонларни танлаб олдик. Ушбу кесма Сирдарё туманининг «Янги ҳаёт» массиви ҳудудига қўйилган. Такрорий кесмалар қўйиш тупроқ хоссалари ва морфологик белгиларининг ўзгаришларини таққослаш имкониятини яратади. Шунинг учун биз 1994-1998 ва 2014-2018 йилларда такроран тупроқ кесмаларини қўйдик.

Бунинг натижасида тупроқдаги 20, 60, 80 йиллик ўзгаришларни таққослаш имконияти мавжуд бўлди.

Сизот сувларининг кўтарилишида тупроқ намланиши натижасида қайтарилиш жараёнлари рўй беради, глейли қатлам шаклланади. Узоқ вақт суғориш тупроқ механик таркибининг оғирлашишига сабаб бўлади. Бу суғориш сувлари билан лойли заррачаларнинг келиб қолиши натижасида амалга ошиши билан тушунтирилади. Иккинчи сабаби эса минералларнинг тупроқ ичида нураш жараёнларининг фаоллашиши ҳисобланади.

Қуйида тупроқ механик таркибининг такрорий таҳлили келтирилмоқда (1-расм). 80 йиллик давр мобайнида ҳайдалма қатламнинг механик таркибининг асосан лой заррачаларининг ҳисобига оғирлашиш тенденцияси кузатилган.

Узоқ вақт суғориш бўз тупроқларнинг механик таркибига сезиларли равишда таъсир кўрсатади. Ҳайдалма қатламда ҳам, ҳайдалма остки қатламда ҳам физик лой миқдорининг ортиш қонунияти мавжуд. Ҳайдалма қатламда суғориш муддатининг ортиши билан лой миқдорининг ортиб бориши кузатилади.

20 йилдан буён суғорилиб келинаётган майдонда лой миқдори 0,6-10 фоизга ортган бўлса, 35 ва 60 йиллик суғориладиган майдонларда лойли заррачаларнинг миқдори 15-18 фоизгача ортган.

Лой тўпланиши билан бирга физик лойнинг миқдори ҳам ортиб боради. Механик таркибнинг ўзгариш даражаси суғориш муддати билан белгиланади.

Йирик чанг заррачаларининг миқдори (0,05-0,01 мм) ҳайдалма қатламда 56,44-64,24 фоизни ташкил этди, орадан 55 йил ўтиб, 1993 йилда бу кўрсаткич 35,60 фоизгача пасайди, 2017 йилда эса бу 48,13 фоизни кўрсатмоқда. Чангсимон заррачалар устки қатламларда 70-80 фоизни ташкил этади. Пастки қатламларда бу кўрсаткич 60-75 фоизга ўзгариб туради.

Юқори қатламларнинг механик таркибининг оғирлашиши лойли заррачалар ортиши ҳисобига амалга ошади. Буни узоқ вақт суғориш натижасида глейланиш жараёни билан боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин.

Ушбу бобнинг учинчи банди «Тупроқнинг агрокимёвий хоссалари ва уларнинг ўзгариши»га оид бўлиб, унда асосий агрокимёвий хоссаларнинг ўзгаришига оид материаллар берилган.

Тупроқ хоссалари ичида тупроқнинг агрокимёвий кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ушбу кўрсаткичлар тупроқ унумдорлигининг асосий мезонларидан бўлиб, кишлок хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ушбу кўрсаткич билан узвий боғланган. Қуйида ушбу кўрсаткичларнинг йиллар давомида ўзгариши ҳақида маълумотлар берилган. Бунинг учун 1994 йилда Сайхунобод тумани Т.Ғуломов номли массивга қўйилган тупроқ кесмасига такрорий 2019 йилда тупроқ кесмаси қўйилди, натижалар солиштирилди (2-жадвал).



**1-расм. Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлардаги «физик лой» миқдори ва унинг ўзгариши**

Тупроқдаги гумуснинг миқдори бошқа оч тусли бўз тупроқларга нисбатан юқори, бу эса унинг ушбу тупроқларда ўтлоқиланиш жараёни билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Унинг миқдори ҳайдалма қатламда 1,323 фоиз бўлгани ҳолда, пастга томон камайиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Кейинги олинган тупроқ таҳлилида унинг миқдори ортганлигини кузатамиз, айниқса, ҳайдов ости қатламда унинг миқдори дастлабки ҳолатига нисбатан 5 фоизга ортган. Пастга томон гумус миқдорининг ортиши етарли даражада кўзга ташланмайди. Бундай ҳолатни умумий азот миқдорида ҳам кузатиш мумкин. Умумий фосфор миқдорида деярли ўзгаришлар юз бермаган, лекин умумий калийнинг миқдори юқори қатламларда бироз ортган. Карбонатларнинг миқдори 6,0-7,0 фоизни ташкил этади ва кучсиз ишқорийликка эга эканлигидан далолат беради.

Қуйида 20, 55, 80 йиллар давомида тупроқ агрохимёвий хоссаларида ўрганилган ўзгаришлар ҳақида маълумот берилди. Бунда 1938 йилда С.П.Сучков томонидан, 1957 йилда худди шу муаллиф томонидан, 1993 ва 2017 йилда Ш.М.Турдиметов томонидан Сирдарё тумани «Янги ҳаёт» массивидан олинган натижалар келтирилган.

Бизнинг тадқиқотларимизда шунингдек, суғоришлар давомийлигининг тупроқ агрохимёвий хоссаларига таъсири ўрганилди. Ўзгаришлар гумус, азот, фосфор ва калийнинг миқдорида ва уларнинг тупроқ кесмасида тарқалишида ҳам кузатилди (3-жадвал).

1938 йилда кесма қўйилган вақтда ушбу майдонча Мирзачўлнинг бошқа жойларига нисбатан анча аввал суғорила бошланганлиги билан характерланади.

2-жадвал

### Тадқиқот майдонининг агрохимёвий кўрсаткичлари

Чуқурлиги, см	Гумус, %	Ялли, %				Карбо- натлар, %	Гипс, %	Ҳаракатчан, мг/кг	
		N	C:N	P <sub>2</sub> O	K <sub>2</sub> O			P <sub>2</sub> O	K <sub>2</sub> O
Кесма 101-94. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар Ш.Турдиметов, 1994 йил									
0-32	1,323	0,115	6,6	0,080	2,40	6,758	0,650	18,2	600
32-50	0,599	0,048	7,2	0,080	1,00	7,427	3,097	4,0	500
50-91	0,501	0,034	8,5	0,060	2,60	8,131	2,199	2,5	300
91-122	0,316	0,031	5,9	0,060	2,20	7,422	3,166	2,0	200
122-180	0,205	0,022	5,4	0,060	2,20	6,606	1,185	2,0	200
Кесма 202-19. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар Ш.Турдиметов, 2019 йил									
0-34	1,375	0,129	6,1	0,080	3,20	6,476	0,867	10,5	600
34-54	0,629	0,059	6,1	0,075	1,80	6,547	0,908	10,0	400
54-98	0,514	0,053	5,6	0,070	2,40	6,336	2,445	2,5	440
98-124	0,273	0,027	5,8	0,060	2,20	7,075	1,715	2,0	400
124-176	0,367	0,028	7,6	0,060	2,20	6,441	1,056	2,0	700

Суғоришнинг бошланғич даврида органик моддаларнинг кучли минераллашиши ва тупроқнинг ишлов бериладиган қатлами, айниқса устки қатламида гумус ва азот захирасининг йўқолиши рўй беради. Бу микробиологик жараёнларнинг фаоллашиши билан тушунтирилади. Ушбу жараённинг интенсивлиги микроклимга боғлиқ.

Агар гумус миқдори юқори қатламларларда камайган бўлса, унинг миқдори ҳайдалма остки қатламда ортган. Узоқ йиллар давомида гумуснинг миқдори ҳайдалма ва ҳайдалма остки қатламларда ортиб боради. Тупроқ кесмасида бундай тарқалиши, тупроқнинг пастки қатламлари билан юқори қатламларининг аралашиб кетиши, органик моддаларнинг парчаланиши ва минераллашувига боғлиқ.

Органик ва минерал ўғитларни солиш, суғориш ва маданий экинларни экиш натижасида аста-секинлик билан йўқотилган органик моддаларнинг

тикланишига сабаб бўлади. Ўзлаштириш ва суғоришдан сўнг гумуснинг миқдори юқори қатламларда ортган. Юз йиллик суғорилган жойнинг ҳайдалма остки қатламида дастлабки суғорилмасдан аввалги миқдорига нисбатан бир неча баробарга ортган.

Азотнинг миқдори гумус миқдорига боғлиқ. Суғориш давомийлигининг ортиши билан азот миқдорининг ортиши кузатилади, бунда ортиш даражаси гумусга нисбатан мутаносиб ошади.

Умумий ва ҳаракатчан фосфорнинг миқдори бўйича бошқача ҳолат кузатилади. Ҳайдалма қатламда умумий фосфор 0,100-0,168%, ҳайдалма остки қатламда эса 0,070-0,162 фоизни ташкил этган. 60 йиллик суғориладиган майдонда фосфор умумий шакли миқдорининг камайганлиги кузатилади, яъни ҳайдалма қатламда 0,100%, ҳайдалма остки қатламда 0,070 фоизгача камайган.

3-жадвал

### Суғориладиган тупроқларнинг агрохимёвий хоссаларидаги ўзгаришлар

Йиллар	Кесма №	Қатлам чуқурлиги, см	Гумус, %	Умумий азот, %	Фосфор	
					умумий, %	ҳаракатчан, мг/кг
1938, С.П.Сучков. Суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар	122	0-20	1,201	-	-	-
		25-35	0,353	-	-	-
		35-45	0,336	-	-	-
		45-55	0,353	-	-	-
		100-110	-	-	-	-
1959, С.П.Сучков. Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар	122	0-20	0,977	0,095	0,168	37,0
		25-35	0,767	0,078	0,162	20,0
		35-45	0,419	0,033	0,149	11,1
		45-55	0,384	0,024	-	-
		100-110	0,279	0,018	-	-
1993, Ш.М.Турдиметов. Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар	39	0-20	1,471	0,148	0,131	15,2
		25-35	0,819	0,30	0,074	5,4
		35-45	0,488	0,110		
		45-55	0,372			
		100-110	0,312			
2017, Ш.М.Турдиметов. Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар	5	0-20	1,596	0,119	0,100	12,5
		25-35	1,596	0,045	0,070	2,5
		35-45	1,291	0,023	0,070	2,0
		45-55	0,556	0,030	0,060	2,0
		100-110	0,304			

О.К. Камиллов (1977) Мирзачўлнинг эскидан суғориладиган тупроқларда ҳам янгидан суғориладиган тупроқларда ҳам тупроқдаги ялпи фосфор миқдори ва шўрланиш даражаси ўртасида алоқа мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори бўйича ўтлоқи тупроқлар бошқа тупроқларга нисбатан фосфатни мустаҳкам бириктириб олиш кучи интенсив бўлганлигидан камбағалроқ ҳисобланади.

Ўзлаштириш ва суғоришлар натижасида тупроқдаги гумус миқдорининг ортганлигини кузатишимиз мумкин. 1938 йилдаги 0-20 см қатламда

гумуснинг миқдори 1,201 ва ҳайдалма остки қатламда 0,353% бўлган ҳолда, 1959 йилдаги кесмада эса тегишлича 0,977 ва 0,767 фоизни ташкил этмоқда. Бу йиллар давомида гумус миқдорининг ортиши ва қатламнинг аралашishi билан боғлиқ.

1993 ва 2017 йилларда биз томонимиздан такрорий қўйилган кесмаларда ушбу жараёнлар янада яққолроқ намоён бўлган. Тупроқдаги гумуснинг миқдори 0-20 см ли қатламда 1993 йилдаги кесмада 1,471, 2017 йилдагида 1,596 фоизгача ортган.

1938 йилда С.П.Сучков (1961) томонидан олинган кесмада гумусли қатламнинг қалинлиги дастлабки ҳолатига, яъни ўзлаштирилмасдан олдинги ҳолатига нибатан 5-6 см га ортган эканлиги қайд қилинган. Шунингдек, карбонатлар гумусли қатламлардан пастки қатламларга ювилган.

Тупроқдаги азотнинг миқдорида ҳам ўзгаришлар рўй берган. 1959 йилда умумий азотнинг миқдори 0-20 см ли қатламда 0,095 см бўлган ҳолда, 2017 йилда унинг миқдори 0,119 фоизгача ортган. Тупроқдаги умумий фосфорнинг миқдори 1959 йилда 0-20 см ли қатламда 0,168%, 1993 йилда 0,131%, 2017 йилда эса 0,100 фоизни ташкил этган. Тупроқларни суғориш давомийлигининг ортиб бориши билан ҳаракатчан фосфорнинг миқдорида камайиш кузатилган.

Тупроқнинг асосий хоссаларидан бири физик-кимёвий хоссалари бўлиб, ушбу хоссалар ҳам маълум ўзгаришларга учрайди. Тупроқни ўзлаштириш, айниқса, суғоришлар натижасида тупроқ сингдириш мажмуасида рўй берадиган ўзгаришлар, тупроқнинг бошқа хоссаларига ҳам таъсир кўрсатади.

Тадқиқот тупроқлари ўзлаштириш бошланганлигига 50 йил бўлган бўлса-да, бўз тупроқлар ичида энг ёш тупроқлардан ҳисобланади. Суғорилаётганлигига қарамасдан баъзи хоссалари бўйича кўриқ тупроқларга хос хусиятларни ўзида сақлаб қолган.


Тупроқ коллоидлари билан тупроқ сингдириш сиғими ўртасида маълум даражада боғлиқлик мавжуд. Коллоидларнинг миқдори қанчалик кўп бўлса, сингдириш қобилияти ҳам шунчалик юқори бўлади.

Қуйида суғорилиши муддати анча вақт бўлган (50 йилдан ортиқ) 4-кесма ва янгидан суғориладиган (30 йиллик) 6-кесма шароитларда тупроқ кесмалари қўйилган майдонларга такрорий кесмалар қўйилиб, тупроқ сингдириш сиғими ва таркибидаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Кейинги кесмаларнинг рақами тегишлича 18-4 ва 18-6 ҳисобланади (2-расм).

2-расм маълумотларига эътибор қаратиладиган бўлса, тупроқ сингдириш комплекси таркиби асосан ишқорий-ер металларида иборат бўлиб, 4 та тупроқ кесмасида ҳам устунлик қилган. 1957 йилда олинган 4-кесма ҳайдалма қатламида сингдирилган катионлар йиғиндиси 12 мг/экв ни ташкил этиб, сингдириш сиғимининг 96,6 фоизи кальций ва магнийнинг улушига тўғри келади. Шундан кальций 58,3 фоизни, магний 38,3 фоизни ташкил этган. 2018 йилда такрорий олинган тупроқ кесмаларида тупроқ сингдириш

сифими 13 мг/экв ни ташкил этган, яъни 8 фоизга ортган. Сингдирувчи кальцийнинг миқдори 48,72, магнийнинг миқдори эса 40,81 фоизни ташкил этган, яъни кальцийнинг миқдори 10 фоизгача камайган ҳолда, магнийнинг улуши 3 фоизгача ортган. Кальций улушининг камайиши ва магний улушининг ортиши пастки қатламларда ҳам кузатилган. Ушбу кўрсаткичларга мувофиқ равишда натрий ва калийнинг ҳам улушини ортганлигини кузатишимиз мумкин.

6-кесманинг ҳайдалма қатламида сингдирилган асослар сифими 13,75 мг/экв ни ташкил этган. Кальций ва магнийнинг улуши 95,2 фоизни ташкил этган. Шундан кальцийнинг улуши 76,4 фоизни ташкил этган ва 18-6 кесма билан солиштирадиган бўлсак, ҳайдалма қатламда кальцийнинг миқдори 30 фоизга камайган. Магний миқдори дастлабки ҳолатида 18,8 фоиз бўлган ҳолда, кейинги тадқиқотларда 45 фоизгача ортган. Шунингдек, натрий ва калийнинг миқдорида ҳам ўзгаришларга учраганлигини кузатиш мумкин.



**2-расм. Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари сингдирилган асослар таркиби ва уларнинг ўзгариши**

